
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2015 йилнинг январ-мартида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 284,3 млрд. сўмни ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 67,5 млрд. сўмни (2014 йил январ-мартига нисбатан 105,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 216,8 млрд. сўмни (106,1 фоиз) ташкил етди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 23,7 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 76,3 фоизни ташкил қилди.

Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 2015 йил 1 апрел ҳолатига жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик екинларининг умумий майдони 162 566 гектарни ташкил қилди.

Бошоқли дон екинлари билан банд бўлган екин майдони 118 860 гектар, пахта екин майдони 26 418 гектар, картошка 6 401 гектар, сабзавот екинлари 7 568 гектар, полиз екинлари 78 гектар, озуқа екинлари 3 241 гектар майдонни ташкил қилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 5 830 тонна сабзавот (109,6 фоизга кўп) йиғиб олинди, 229 тонна мева (131,4 фоизга кўп етиштирилди).

Чорвачилик. 2015 йилнинг 1 апрел ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,1 фоизга (жами 930,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,4 фоизга (346,3 минг бош), қўй ва ечкилар 103,9 фоизга (799,6 минг бош), отлар 102,0 фоизга (8 488 бош), паррандалар 108,0 фоизга (3 657,1 минг бош) га кўпайди.

2015 йилнинг январ-мартида барча тоифадаги хўжаликларда 27,3 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 105,9 фоизга кўп), 159,7 минг тонна сут (106,3 фоизга кўп), 56,7 млн. дона тухум (111,4 фоизга кўп), 81 тонна жун (114,1 фоизга кўп), балиқ 786 тонна (139,7 фоизга кўп) маҳсулотлар етиштирилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 86,8 фоизни ташкил етди.

Фермер хўжаликлари. Фермер хўжаликларига бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 339 860 гектарни ташкил етиб, ҳар бир хўжаликка ўрта ҳисобда 38,6 гектардан тўғри келди.

2015 йилнинг 1 апрел ҳолатига фермер хўжаликларида 41,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 13,8 минг бош сигир, 38,1 минг бош қўй ва ечкилар, 1011 бош отлар, 499,6 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2014 йилнинг январ-мартига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 105,9 фоизни, қўй ва ечкилар 99,7 фоизни, отлар 110,7 фоизни, паррандалар 102,0 фоизни ташкил етди.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

январ-март

2014 йил январ-мартга нисбатан фоиз ҳисобида

2014 й.

2015 й.

минг тонна

ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз

минг тонна

ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз

Гўшт, тирик вазнда

0,9

3,6

1,0

3,5

102,9

Сут

4,3

2,8

4,5

2,8

106,5

Тухум, минг.дона

5492

10,8

6244

11,0

113,7

Жун, тонна

33

46,5

36

44,4

109,1